XALQ DEPUTATLARI NAVOIY VILOYATI KENGASHI
Q A R O R I

210100, Navoiy sh., IslomKarimovsh.k 77 A, tel: (79) 229-62-80, e-mail: navoi@exat.uz, info@navoi.uz

2022 - yil 19 - fevral VI-31-16-5-0-K/22 Navoiy viloyat hokimligi

Хатирчи ва Кармана туманларидаги айрим аҳоли пунктларининг номларини ўзгартириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “География объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонунининг 9-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги “География объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида”ги 295-сонли қарорига асосан, Хатирчи ва Кармана туманлари ҳокимликлари, География объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича комиссияларининг ўз ҳудудларидаги айрим аҳоли пунктларининг номларини ўзгартиришга оид тақдим этган таклифларини муҳокама қилиб, халқ депутатлари вилоят Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Хатирчи туман ҳокимлигининг туман ҳудудидаги 13 та аҳоли пунктлари, Кармана тумани ҳокимлигининг 2 та аҳоли пунктлари (кейинги ўринларда – географик объектлар) номларини қайта номлаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Хатирчи туманидаги номлари ўзгартириладиган айрим географик объектлар рўйхати 1-иловага, Кармана туманидаги номлари ўзгартириладиган айрим географик объектлар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вилоят статистика бошқармаси (А.Тошназаров), Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг вилоят бошқармаси (Д.Нишонов), вилоят қурилиш бош бошқармаси (О.Минглиев),

мутасадди ҳудудий давлат органлари ва ташкилотлари мазкур қарорга мувофиқ Хатирчи ва Кармана туманларидаги айрим номлари ўзгартириладиган географик объектларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва электрон базани шакллантириш, иш юритиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ барча чора-тадбирларни амалга оширсин.

4. Вилоят ички ишлар бошқармаси (А.Тасбаев) номлари ўзгарадиган географик объектлардаги йўл белгиларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ишларини ташкилий равишда амалга оширсин.

5. Хатирчи тумани (С.Низамов), Кармана тумани (Ф.Умаров) ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг вилоят бошқармаси (Д.Нишонов), вилоят қурилиш бош бошқармаси (О.Минглиев) билан ҳамкорликда номлари ўзгартириладиган географик объектларини янги номлари ёзилган кўрсаткич ва белгилар, пешлавҳаларни замонавий дизайн асосида босқичма-босқич ўрнатилишини таъминласин.

6. Ушбу қарор “Дўстлик байроғи” ва “Знамя дружбы” газеталарида расман эълон қилинсин ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

7. Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

8. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш вилоят ҳокими ўринбосари (Я.Душанов) ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг саноат, транспорт, қурилиш, коммунал соҳа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияси (С.Базарова) зиммасига юклатилсин.

Sessiyada raislik qiluvchi **Ж. Ҳамраев**

Халқ депутатлари Навоий вилоят
Кенгашининг
2022 йил 19 февралдаги
VI-31-16-5-0-K/22-сон қарорига
1-илова

Хатирчи туманидаги номлари ўзгартириладиган айрим географик объектлар РЎЙХАТИ

Т/р	**Географик объектнинг (аҳоли пунктининг) ҳозирги номи**	**Географик объектнинг (аҳоли пунктининг) янги номи**	**Изоҳ**
1	Чанқай	**Мевазор**	Аҳоли пункти номининг маъноси йўқлигини инобатга олиб, нормаллаштириш мақсадида
2	Койиш	**Фидокор**	Аҳоли пункти номининг маъноси йўқлигини инобатга олиб, нормаллаштириш мақсадида
3	Лоппиқиёт	**Қиёт**	Аҳоли пункти номининг маъноси йўқлигини инобатга олиб, нормаллаштириш мақсадида
4	Шағолон	**Зиёкор**	Аҳоли пункти номининг маъноси йўқлигини инобатга олиб, нормаллаштириш мақсадида
5	Капа	**Нурафшон**	Аҳоли пункти номининг маъноси йўқлигини инобатга олиб, нормаллаштириш мақсадида
6	Худдон	**Ифтихор**	Аҳоли пункти номининг маъноси йўқлигини инобатга олиб, нормаллаштириш мақсадида
7	Бўталоқ	**Янгиҳаёт**	Аҳоли пункти номининг маъноси йўқлигини инобатга олиб, нормаллаштириш мақсадида
8	Аллот	**Деҳқонобод**	Аҳоли пункти номининг маъноси йўқлигини инобатга олиб, нормаллаштириш мақсадида
9	Семитон	**Мустақиллик**	Аҳоли пункти номининг маъноси йўқлигини инобатга олиб, нормаллаштириш мақсадида
10	Шаррак	**Яшнобод**	Аҳоли пункти номининг маъноси йўқлигини инобатга олиб, нормаллаштириш мақсадида
11	Полпол	**Сўлим**	Аҳоли пункти номининг маъноси йўқлигини инобатга олиб, нормаллаштириш мақсадида
12	Хилвоши	**Юксалиш**	Аҳоли пункти номининг маъноси йўқлигини инобатга олиб, нормаллаштириш мақсадида
13	Пачир	**Фаровон**	Аҳоли пункти номининг маъноси йўқлигини инобатга олиб, нормаллаштириш мақсадида

Халқ депутатлари Навоий вилоят
Кенгашининг
2022 йил 19 февралдаги
VI-31-16-5-0-K/22-сон қарорига
2-илова

Кармана туманидаги номлари ўзгартириладиган
айрим географик объектлар
РЎЙХАТИ

Т/р	**Географик объектнинг ҳозирги номи**	**Географик объектнинг янги номи**	**Изоҳ**
1	Қатағон аҳоли пункти	**Олтин водий**	Қатағон аҳоли пункти номининг маъноси йўқлигини инобатга олиб, нормаллаштириш мақсадида.
2	Қубур аҳоли пункти	**Муборак**	Қубур аҳоли пункти номининг маъноси йўқлигини инобатга олиб, нормаллаштириш мақсадида.